

## *Тошсоқа тизими магистрал суғориш каналларида...*

# ИЛК НАТИЖАЛАР, КЎЛАМДОР ВАЗИФАЛАР

***Сув - тириклик манбаи, инсоннинг ҳаёти, дов-дарахтлар, умуман наботот оламининг гуллаб-яшнаши, шунингдек, қишлоқ хўжалик экинлари бўйича мўл ҳосил етиштирилиши об-ҳаётга, ундан тежаб-тергаб унумли фойдаланилишига боғлиқ. Бинобарин, об-ҳаётни далаларга олиб бориш, экинзорларга йўналтириш жараёнларидаги исрофгарчиликларга чек қўйиш ғоятда долзарб, эътиборталаб вазифалардир.***

Бу юзадан кейинги йилларда мамлакатимизда кўламдор ишлар амалга ошириляпти. Катта-кичик каналлар, бошқа турдаги сув шохобчалари таъмирланиб, реконструкция қилинмоқда. Тошсоқа магистрал суғориш каналлари тизими шу йўналишда ибратли ишлар амалга ошириляётган улкан қурилиш объектларидан биридир.

Воҳанинг ана шу етакчи сув тармоғига алоҳида эътибор қаратиляётганлиги бежиз эмас. Сўнгги йилларда воҳамизнинг Тошсоқа тизими каналларида сув оқимининг секундига 150-170 м<sup>3</sup> пасайиб кетиши натижасида уларни эксплуатация қилиш шароитлари мураккаблашиб, далаларга сувнинг ўз оқими билан бориши имкониятлари чекланиб қолган, об-ҳаёт каналлардан 300 дан зиёд насослар ёрдамида тортиб олинаётган, бу эса каналлар фойдали иш коэффициенти пасайиши, сув ресурсларининг исроф бўлиши, эксплуатация харажатларининг ошиб кетишига сабаб бўляётган эди.

Номувофикликка барҳам бериш, тармоқдаги магистрал каналларда сув сатҳи кўтарилишини таъминлаш бўйича бошланган ишларга мамлакатимиздаги кўплаб қурилиш ташкилотларининг куч-ғайратлари, шунингдек, техника воситалари сафарбар этилди. Биринчи навбатда, бу ерда сув тўсувчи иншоотларни барпо этишга алоҳида эътибор қаратилди. "Амубухоро-каналқурилиш" акционерлик жамияти қурувчилари томонидан шу йўналишда 5,648 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги қурилиш ишлари бажарилди, Шовот ва Ғозовот каналларида 12 та сув тўсувчи иншоот барпо этилди.

Мазкур каналлар ва улардаги иншоотларни қайта тиклаш жабҳасида фаолият олиб бораётган "Ҳисорақгидроқурилиш" масъулияти чекланган жамияти ишчи-хизматчилари қурилиш ишлари бошланганидан буён 74 километр узунликдаги каналларда реконструкция ишларини поёнига етказдилар. Эндиликда қурувчилар сув таъминотини янада

яхшилаш мақсадида янги канал қурилишини бошлаб юбориш тадбирларини кўришяпти. Шовот тумани ҳокимининг 2019 йил 12 ноябрдаги қарори асосида ана шу канал қурилиши учун тегишли ер майдонлари ажратилиб, объектда қурилиш ишлари бошланиб, зарурий қурилиш техникалари келтирилмоқда.

"Topalang HPD Platinum" масъулияти чекланган жамияти жамоаси зиммасига 7-пакетдаги "Р-3А" канали ва унинг иншоотларини қайта тиклаш ва реконструкция қилиш ишлари юклатилган эди. Жамоа бу вазифани муддатида ва бекаму кўст удалади. Шунингдек, чап тармоқ "Р-7А" канали, "Собиров" ва "Р-3" каналларини қайта тиклаш бўйича 5-пакет лойиҳаси 2018 йилнинг декабрь ойида тўла ўзлаштирилиб, фойдаланишга топширилди.

Айни кунда жамият қурувчилари Ислом тараққиёт банки кредити асосида 4-пакетдаги қиймати 29.728 млн. долларни ташкил этадиган хўжаликлараро каналлар ва иншоотларни қайта тиклаш ишларини амалга оширишмоқда. Лойиҳани ўзлаштириш ишларига 95 та техника, 274 нафар қурувчи сафарбар этилиб, жадал иш олиб борилганлиги туфайли ҳозиргача, 81,6 км. узунликдаги канал бетонлаштирилди. "Удачи", "Бекёп", "Р-9", "Мадирёп", "Кенагас", "Навоийёп" каналларида реконструкция ишлари қизгин суръатларда давом этирилмоқда. Белгиланган режага мувофиқ улар 2021 йилнинг июнь ойида фойдаланишга топширилади.

Айни кунда "Турон мега строй" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари Тошсоқа каналининг "ПК137+88" участкасидаги янгидан қурилган

иншоотда металл конструкцияларини ўрнатиш билан бирга тармоқ объектларида реконструкция ишларини амалга оширишяпти. Объектни 2021 йилнинг июнь ойида фойдаланишга топширишга қарата куч-имкониятлар тўла-тўқис сафарбар этилмоқда.

Тошсоқа тизими каналларидаги мавжуд иншоотларнинг электр энергияси таъминоти ва гидрометрия ускуналарини қайта тиклаш вазифалари эса "Ўзмахсуссувқурилиш ИК" давлат унитар корхонаси жамоаси зиммасига юклатилган. Айни кунда Тошсоқа каналининг 167-узел иншооти, "Чап тармоқ Р-7А" ва "Собиров" каналларида реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Умуман, лойиҳани ўзлаштиришга киришилганидан буён Ислом тараққиёт банки кредити маблағлари ҳисобидан 2019 йилнинг 31 декабрь ҳолатига 65,09 млн. долларлик, Республика бюджети маблағлари ҳисобидан 78,45 миллиард сўмлик ишлар адо этилди.

Бир сўз билан айтганда, улкан сув иншоотларида бошланган хайрли ишларни илк самаралари кўзга кўриниб қолди. Аслида объектларда 304,7 км. узунликдаги каналлар реконструкция қилиниши режалаштирилган бўлиб, шундан 229,6 км. қисмида бу тадбир поёнига етказилди. Шу туфайли лойиҳа доирасида каналлар ўзани ростланиб, уларнинг 223.2 км. узунликдаги қисми реконструкция қилиниши натижасида сув таъминоти тубдан яхшиланди. Каналлардаги мавжуд 414 та сув иншооти реконструкция қилиниб, улар техник жиҳатдан саз ҳолатга келтирилди. Бугунги кунгача 149.4 км. узунликда хўжаликлараро каналлар бетонлаштирилганлиги туфайли об-ҳаётнинг фильтрация оқибатида исроф бўлиши камайирилиб, ер ости сувлари сатҳи пасайтирилди.

Пировардида, 2850 гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Қўрилган тадбирлар туфайли каналларнинг фойдали иш коэффициенти (ФИК) 0,5 дан 0,7 га етказилади. Улардаги мавжуд 414 дона сув иншооти реконструкция қилиниб, суғориш тизимига сувни навбатлаб бериш ҳамда уни бошқариш жараёнларида юқори самарадорликка эришилиши таъминланади.

О.РАЖАБОВ.